O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 29 (9.832) / 2003 ЙИЛ 11 ФЕВРАЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

❐ **НАВРЎЗ** умумхалқ байрамига бағишлаб ҳамда Обод маҳалла йили муносабати билан «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан 10 февралдан 10 мартга қадар «Экология ва саломатлик кунлари»нинг биринчи босқичи ўтказилади.

❐ **Кеча** Тошкент темирйўл муҳандислари институтида талабалар учун «Ўзбектелефильм» ва «Актёр» студияси ҳамкорлигида яратилган «Тақдир йўллари» номли икки қисмдан иборат бадиий фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мазкур фильм талаба ёшлар онгида ҳаёт зарбаларига бардош берадиган бугунги кун қаҳрамони тимсолини гавдалантирган. Бугун ва эртага фильм «Ойнаи жаҳон» орқали намойиш этилади.

❐ **Сергели** туманида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда голибликни қўлга киритган 303-мактабнинг «Фемида» жамоаси шаҳар босқичига йўлланма олди.

❐ **ШУ** тумандаги 304, 385-мактаблар ҳамда «Камолот» ЁИҲнинг туман бўлимлари сардорлари Ёнғиндан сақлаш олий техник мактабида бўлиб, унинг фаолияти билан танишишди. Курсантлар билан учрашув чоғида ўқувчиларга бўлажак офицерларга қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот берилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

«Устоз» жамғармасида «Германия таълим тизими ва бошқарувда электрон маркетингдан фойдаланиш» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Германия таълим тизими ҳамда унда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш тажрибалари, менежментда электрон маркетингни қўллаш масалаларига бағишланган мазкур семинарда Равенсбург университети профессори Томс Добелштейн иштирок этди.

Олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари профессор ўқитувчиларнинг хорижда малака оширишларини таъминлаш, хорижнинг янги педагогик технологиялари бўйича ижобий тажрибаларини республикамиз ўқув марказларида татбиқ этиш борасида доимий тадбирлар олиб борилмоқда. Шундай тадбирлардан бири «Устоз» жамғармасида ўтказилмоқда.

— Бир ой давомида Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро вилоятларида Германия таълим тизими мавзусида республикангиз олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларининг маркетинг ва менежмент мутахассислари бўйича ўқитувчилари учун амалий семинар ва маърузалар ўтказмоқдамиз, — деди профессор Томс Доболштейн «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ўйлайманки, бу учрашувимиз ўзининг ижобий натижаларини беради.

Илмий-амалий семинардан сўнг жамғарма бир гуруҳ ўқитувчиларни Германиянинг Равенсбург университетига тажриба алмашишга юборади.

«Туркистон-пресс»

• ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ



Истиқлол шарофати билан ҳар йили мамлакатимизда муборак ҳайит байрамлари кенг нишонланмоқда. **БУГУН** қутлуғ кун — Қурбон ҳайитида барчанинг дилида хушнудлик, яхши кайфият. Эрта тонгдан ҳамюртларимиз савобга доҳил бўлиш ниятида қалбларида меҳр-мурувват туйғулари жўш урган ҳолда ота-оналари, кексалар, беморлар, қариндош-уруғларини кўришга отланганлар. Зеро, Қурбон ҳайити куни-

Файзу баракотли айёмингиз муборак!





да барчамиз бир-бирларимизни мубораксбод этамиз. Табаррук отахон-онахонларга узоқ умр, иймон, саломатлик, ёшларга эса тавфиқу рушди-ҳидоят тилаймиз. Қариндош-уруғлар, ёр-биродарларни кўриб, яқинлар ва беморлар ҳолидан хабар оламиз... Қурби етган саховатпеша кишилар қурбонлик қилиб ўз эҳсонлари билан кам таъминланган, меҳр-мурувватга муҳтож оилалар, етим-есирларнинг кўнглига малҳам бўладилар.

Қурбон ҳайити байрами барчамизга муборак бўлсин. Ҳайит айёмининг файзу баракоти қалбларимиз ва хонадонларимизни мунаввар айласин.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● ҚУРБОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР РАҲБАРЛАРИДАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАР КЕЛМОҚДА.

● Республика Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси «Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева Конвенциялари тўплами» китобининг ўзбек тилидаги нашри тақдимотини ўтказди.

● Бекободда Қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш Республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетида Ўзбекистон Республикаси аудиторлар палатаси Қорақалпоғистон бўлими ташаббуси билан махсус ўқув курси ташкил этилди.

● Тошкент Архитектура-қурилиш институти ва Исроилнинг «Технион» илмий-тадқиқот базаси ҳамкорлигидаги Ўзбекистон пахта корхоналари цехларида ҳавонинг ифлосланиш даражасини назорат қилиш ва камайтириш ҳамда уни халқаро андозалар меъёрларига етказиш лойиҳасининг иккинчи босқичи тугалланди.

● Наманган вилоятида **бугун** Наврўз байрамига бағишланган ободонлаштириш ойлиги бошланди. Шу муносабат билан вилоят марказида ўтказилган ҳашарда 100 мингга яқин аҳоли ва мактаблар ўқувчилари иштирок этиб, 15 мингдан ортиқ манзарали ва мевали дарахтлар ўтқазилди, кўплаб канал ва ариқлар тозаланди.

● Қарши локомотив депосида тепловозларни таъмирлаш йўлга қўйилди.

Жаҳонда

● Буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 562 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонаси, мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги ваколатхоналари ходимлари ҳамда ўзбек талабалари томонидан буюк бобокалонимизнинг Серпухово майдонидаги ҳайкали пойига гуллар қўйилди ва хотираси ёдга олинди.

● НАСА мутахассислари ҳалокатга учраган «Колумбия» космик кемаси қанотининг парчаларини тадқиқ қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, кеманинг айнан шу қисмининг шикастланиши «Колумбия»нинг ҳалокатга учрашига олиб келган.

● Швейцария суди умумий қиймати 1 миллиард доллардан ошадиган санъат асарларини ўғирлашда айбланган Франция фуқароси 32 ёшли Стефан Брайтвизерни 4 йилга озодликдан маҳрум этди.

● Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Андра Прадеш мажмуида ўтаётган WTA Indian Open халқаро теннис мусобақаларида ҳамюртимиз, таниқли теннис устаси Ирода Тўлаганова катта муваффақиятга эришиб, ҳам якка, ҳам жуфтликлар ўртасида финалга чиқди.

Маданият

«Ёдгор» лотин имлосида

Академик шоир Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги олдидан қатор китоблар босмага тайёрланмоқда. Улар орасида шоирнинг «Танланган асарлари» тўплами алоҳида ўрин тутади.

Бир жилдли ушбу нашрда Ғафур Ғуломнинг сараланган асарлари жамланди. Шунингдек, улкан сўз санъаткори ижоди ҳақидаги мақола ҳам ўрин олди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ҳиссадорлик компанияси ҳам бу санага катта тайёргарлик кўрмоқда. Адибнинг насрий асарлари алоҳида китоб ҳолида босмага ҳозирланди. «Шум бола» , «Ёдгор» қиссалари эса лотин алифбосида ёш китобхонларга тақдим этилади.

Шунингдек, республикамиздаги бошқа нашриётлар ҳам юбилей китобларини чоп этиш тараддудини кўришмоқда.

Халқ ижодиётидан қўлланмалар

Халқ бадиий ижодиётига доир асарлар ҳам қизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда. Фольклор ижод намуналари янглиғ оммалашаётган бу каби нашрларни тарғиб қилишда Тошкент Давлат маданият институти олимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Олий ўқув юртининг «Халқ бадиий ижодиёти» факультети профессор-ўқитувчилари шу йўналишда йирик илмий ишларини яратишга ҳам муваффақ бўлдилар. Халқимизнинг бой фольклор ижодиётини тадқиқ этиш натижаси ўлароқ ўқув адабиётлари ҳам юзага келди.

«Фольклор-этнографик жамоа услублари», «Халқ ижодиёти» деб номланган ўқув адабиётлари ҳам чоп этилди.

Акбар АЛИЕВ

Кучли фуқаролик жамияти сари

Акмал Икромов тумани ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими ташаббуси билан «Кучли давлатдан кучли жамият сари» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Тумандаги 228-мактабда бўлиб ўтган тадбирда юқоридаги мавзу юзасидан иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Давлатнинг асоси ҳисобланган жамиятимиз аъзоларининг ўзини ўзи бошқариш органларида фаоллигини ошириш, аҳолининг атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга лоқайд муносабатда бўлишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда ўқувчи ёшларимиз ҳам ўзларининг кўплаб фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Орзугул РУСТАМОВА

• ИНСОН ВА ҚОНУН

Ғалвир сувдан кўтарилди

ёки шаҳар хўжалик судининг 2002 йилдаги фаолияти ҳақида

Тошкент шаҳар хўжалик судининг раиси Фозилжон Отахонов билан мулоқот

— Фозилжон Ҳайдарович, шаҳар хўжалик судига кўплаб даъво аризалари ва аризалар келиб тушишади. Нафсиламбирини айтганда, биз учун энг муҳими, уларнинг қонуний ҳал этилишидир. Шунинг учун ҳам дастлаб ўтган йили келиб тушган даъво аризаларининг қандай ҳал этилганлиги тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.

— Ўтган йили шаҳар хўжалик судига ҳар бир иш кунида ўртача 60 та ёки жами 15.315 та даъво аризалари, аризалар, хат ва хабарлар келиб тушган бўлса, суд томонидан ҳар куни ўртача 162 та ҳужжат ёки жами 41.490 та ҳал қилув қарорлари, ажримлар, қарорлар, суд буйруқлари, ижро варақалари, хабарномалар, хатлар даъвогар, жавобгар, прокуратура ва бошқа ташкилотларга юборилган.

Ҳисобот даврида судда 8.620 даъво аризаси ва аризалар мазмунан кўриб ҳал қилинган. Ҳал қилинган ишлар бўйича даъвогарлар фойдасига жавобгарлардан 88 миллиард 48 миллион 379 минг сўм ундириб берилган. 410 та даъво аризалари ва аризалар қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолда судга берилганлиги учун суднинг ажрими билан даъвогарларга қайтарилган ёхуд уларни қабул қилиш рад этилган. Бу каби салбий ҳолатларга «Тошсанқурилиш» АЖ, «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Қурилиш изоляцияси» хўжалик бирлашмаси, «Махсустранс» бошқармаси, «Сувсоз» трести, Акмал Икромов ва Яккасарой туманлари давлат солиқ инспекциялари томонидан тақдим этилган бир қанча аризалар орқали йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди. Бу эса мазкур идораларда юридик хизматга етарли даражада эътибор берилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Кўриб чиқилган ишларнинг 4.239 таси фуқаролик-ҳуқуқий, 4.007 таси маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолардан, 352 таси эса банкротлик тўғрисидаги ишлардан ва 22 таси юридик аҳамиятга молик фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлардан иборат.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низоларнинг кўпчилиги шартномавий мажбуриятларни бажармаслик оқибатида юзага келган. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича — 15 миллиард 376 миллион 883 минг сўм; олиш-сотиш — 729 миллион 389 минг сўм; қарз ва кредит, шу жумладан банк кредити бўйича — 1 миллиард 379 миллион 990 минг сўм; камомадларни (асосан, пахта, шакар) ундириш бўйича — 27 миллион 845 минг сўм жавобгарлардан даъвогарлар фойдасига ундириб берилган.

— Низоларнинг келиб чиқишига асосан нималар сабаб бўлган?

— Бозор иқтисодиёти шароитида шартномалар барча мулк шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат эканлиги Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонунларда белгиланганлигига, Юртбошимиз шартнома тузиш маданиятини бутунлай янги поғонага кўтариш керак деб таъкидлашларига қарамай, хўжалик судида кўрилган ишлар шартномаларни тузиш ва уни бажариш борасида кўплаб хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда.

Масалан, даъвогар «Астор Ассокатес ЛТД» компаниясининг жавобгар «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси ҳисобидан 849.637,81 АҚШ доллари ундириш тўғрисидаги низо шаҳар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиши жараёнида компания тизимидаги айрим мансабдор шахслар томонидан хўжасизлик ва пул маблағларини бехуда сарфлаш, жавобгарликни ҳис этмаган ҳолда ўзибўларчилик, ўз ишига совуққонлик билан қараш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ва бунинг оқибатида компанияга катта миқдорда зарар етказилганлиги аниқланиб, хусусий ажрим чиқарилган. Ажримда қайд этилган ҳолатлар юзасидан «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раисининг ўринбосари Т. Умаровга нисбатан интизомий жавобгарлик чораси қўлланилиб, эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Шунингдек, «Тошмахсуспардозқурилиш» АЖ, «Тошкент лак-бўёқ заводи» АЖ, «Сувсоз» трести иштирокидаги айрим низоларни кўриб чиқишда ҳам юқоридаги каби ҳолатлар юзасидан мазкур ташкилотларнинг масъул айбдор ходимлари моддий жавобгарликка тортилганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида» ва 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари талаблари ҳам хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар томонидан бажарилишида сусткашликка йўл қўйилмоқда.

— Айтингчи, бу борадаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг амалдаги ижроси қандай бўлди?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 9 августдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида шаҳар хўжалик суди томонидан давлат солиқ инспекцияларининг 1.763 та аризалари кўриб чиқилиб, улардан 1.478 таси бўйича — 36 миллиард 212 миллион 618 минг сўмдан зиёд боқиманда қарзларни ташкилотларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида суд буйруқлари берилган.

Туман давлат солиқ инспекциялари айрим масъул ходимларининг хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошиб, хўжалик судларига аризаларни тайёрлашда эътиборсизликка йўл қўйиши ҳам бир қатор аризалар бўйича суд буйруғи беришни рад қилишга асос бўлмоқда.

Жумладан, Шайхонтоҳур туман давлат солиқ инспекцияси 2002 йил 27 ноябрда 06/3-8497-сонли ариза билан мурожаат қилиб, қарздор «OLIMP-MSS» ишлаб чиқариш ширкатининг мол-мулки ҳисобидан 1.874.638 сўм миқдоридаги давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни ундириш ҳақида суд буйруғи беришни сўраган. Аммо, аризага илова қилинган банк маълумотномаси ва К-2 қўйилган инкасса топшириқномалари нусхалари умуман бошқа ташкилотга тегишли эканлиги аниқланди ва қарздорнинг 2002 йил 26 декабрдаги бюджет олдидаги қарзлари тўлиқ тўланганлиги тўғрисидаги 19-сонли хатига асосан суд буйруғи бериш рад қилинган. Худди шу каби ҳолатга Шайхонтоҳур туман давлат солиқ инспекциясининг 2002 йил 29 ноябрдаги «Туронмаркази-қурилиш» АЖ мол-мулки ҳисобидан 3.219.542 сўм ундириш тўғрисида суд буйруғи бериш ҳақидаги 06/3-8597-сонли аризаси бўйича ҳам йўл қўйилган. Яккасарой туман давлат солиқ инспекцияси томонидан тақдим этилган бир қанча аризаларда ҳам шу каби камчиликларни учратишимиз мумкин.

Туман ҳокимликлари, солиқ инспекциялари ва Адлия вазирлиги томонидан тақдим қилинган 6 ойдан ортиқ фаолият кўрсатмаётган корхоналарни тугатиш ҳақидаги 2.035 та аризалар бўйича хўжалик суди 1.997 та корхонани тугатиш тўғрисида ҳал қилув қарорлари чиқарди.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳисобот даврида хўжалик суди томонидан 352 та (2001 йилда 412 та) банкротликка оид ишлар кўриб чиқилган, шундан 319 та корхона банкрот деб эътироф этилган. Уларнинг 241 таси (76 фоиз) эса тўлиқ тугатилиб, давлат рўйхатидан ўчирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ижроси масаласи ҳам ўтган йил давомида шаҳар хўжалик суди судьяларининг диққат марказида бўлди.

Ҳисобот даврида кўрилган ишлар бўйича 5 та жиноят иши қўзғатилди, 247 та корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчилари маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 3 миллион 47 минг 745 сўм жарима ундириш тўғрисида қарорлар қабул қилинган, 75 та мансабдор шахслар эса мулкий жавобгарликка, 81 таси интизомий жавобгарликка тортилган. Жами бўлиб Фармон бўйича 408 та суд ҳужжатлари чиқарилган. Бундан ташқари қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, бундай ҳолатларни бартараф этиш борасида тегишли идораларга 48 та хусусий ажрим ва хабарномалар юборилган.

— Низоларнинг камайиши учун ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш лозимлиги сир эмас. Ўтган йили бу борада шаҳар хўжалик суди томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ шаҳар хўжалик суди судьялари ва мутахассислари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, Қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларини тушунтириш ишларида фаол иштирок этмоқдалар. Судьялар республика оммавий ахборот воситаларида 145 маротаба, жумладан радиода 60 марта ва телевидениеда 39 марта ҳуқуқий мавзуларда кўрсатувлар ва эшиттиришларда қатнашдилар, газетада 30 та ва журналларда 16 та мақолалар билан чиқдилар.

Судьялар томонидан корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳамда тадбиркорлар ўртасида ҳуқуқий мавзуларда 732 та маъруза ва суҳбатлар ўтказилди.

Ўтган йил давомида ҳам шаҳар хўжалик суди томонидан одил судловни амалга оширишда вужудга келаётган муаммолар ечими масалаларига бағишланган кўплаб идораларо йиғилишлар, семинар-кенгашлар ташкил этилди. Улар жумласига 24 сентябрда Олий хўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш Департаменти билан ҳамкорликда «Пахта хом ашёсини экспортга чиқариш соҳасида юзага келаётган низолар, муаммолар ва суд амалиёти» мавзусида, 10 октябрда «Кичик ва ўрта бизнес субъектлари, чет эл инвестицияси асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига кирувчи корхоналар билан божхона ҳамда солиқ идоралари ўртасида юзага келаётган низоларни кўришга оид суд амалиёти мавзусида» идораларо йиғилишлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига ўн йил тўлиши муносабати билан ҳамда Конституцияни ўрганиш бўйича 18 ноябрда Тошкент шаҳар хўжалик судида, 10 декабрда эса Ўзбекистон Миллий театрида Олий хўжалик суди ва Тошкент вилояти хўжалик суди мутахассислари билан биргаликда савол-жавоблар викторинаси ўтказилди. Шунингдек, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан ҳамда Олий хўжалик суди ташаббуси билан ўтказилган кўплаб семинар-кенгашларда шаҳар хўжалик судининг судьялари ўз маърузалари билан фаол иштирок этдилар.

Судьялар томонидан корхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлисларини ўтказиш, қонун бузилишларининг олдини олиш, хўжалик низолари сонини камайтириш ҳамда раҳбарларнинг масъулиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътиборга олиниб, ўтган давр мобайнида 913 та ишлар даъвогар ёки жавобгар ташкилотлар жамоа аъзолари иштирокида сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Икром УЛУҒБОЕВ ва Дилмурод НУРМУҲАМЕДОВ ёзиб олишди.

Санъат

«Ғафур Ғулом» ҳужжатли фильми яратилмоқда

Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига республикамизда қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу кутлуғ санага кино санъати усталарининг ҳам тараддуди катта.

Машҳур кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов академик шоир юбилейига ижодий армуғон ҳозирлашга киришди. Унинг томонидан постановка қилинаётган ҳужжатли фильм «Ғафур Ғулом» деб номланади.

Бу экран асарини яратиш жараёнида режиссёр ўз бой ижодий тажрибасидан фойдаланади. Айниқса, яратган «Сен етим эмассан» бадиий фильми бунда унга катта илҳом бағишлайди.

Янги ҳужжатли фильмдан севимли шоир ижодиётининг муҳим қирраларига оид бадиий лавҳалар ҳам ўрин олади. Бундан ташқари улкан шоирнинг яқин ҳамкасбларининг дил сўзлари, хотиралари баён ҳам экран асарида ўз ифодасини топади.

Акбар АЛИЕВ

«Ёрим кетаман дейди»

Шаҳримиздаги маданият ва маънавият ўчоғи ҳисобланган театрларимиз репертуарлари халқимизни яхшилик, инсонийлик, эзгуликка чорловчи янгиянги саҳна асарлари билан бойиб, санъат шинавандаларини ўзига жалб этмоқда.

Жумладан Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театри саҳнасида ҳам айни кунларда кизоқ драматурги Д.Ҳасанов асари асосида саҳналаштирилган «Ёрим кетаман дейди» номли янги комедияли спектакль премьераси намойиш қилинмоқда. Режиссёр Ҳабиб Файзиев томонидан саҳналаштирилган ушбу спектаклга Аида Ибрагимова мусиқа басталаган. Спектаклдаги асосий ролларни таниқли актёрлар Ҳ.Арслонов, Р.Зокирова, Ж.Раметов, П.Нормато ва бошқалар ижро этишган. Томошада асосан оила можаролари, ёш оилаларда учраб турадиган баъзи келишмовчиликлар меҳр-оқибат, инсонийлик ҳақида ҳикоя қилинади.

Гулором ҲАМИДОВА

Тараққиёт йўллари

Бундан беш йил аввал ушбу нуфузли музейга асос солинган эди. Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида фаолият кўрсатаётган мазкур тиббиёт тарихи музейи экспонатларга бой. Улар мамлакатимиз тиббиётининг ўтмиши, бугунги куни ҳақида ҳикоя қилади.

Кино, фото ҳужжатлар, эски ўзбек, араб ва форс тилларида ёзилган муолажа тарихига доир қўлёзмалар ҳам нодир экспонатлар янглиғ қизиқиш билан томоша қилинади. Олий ўқув юртининг яқин йилларга мўлжалланган истиқбол режалари дастури бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам экспонатлар орқали томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Ушбу сана муносабати билан тайёрланган стендда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури босқичларига бўйича белгиланган маърифий тадбирлар ҳам ўз аксини топди.

(Ўз мухбиримиз)

• ТАДБИРЛАР

Миллатлараро руҳий-маънавий яқинлик, умуминсоний қадриятларнинг ривожланишига сабаб бўлган турмуш тарзи анъаналари уйғун бўлган масканда қардош ва қондош халқлар равнақи янада гуллаб-яшнайди.

Ягона оилада

Чилонзор туманидаги «2-Катта Чилонзор» маҳалласи ва 6-мусиқа мактаби ҳамкорлигида «Ягона оилада» мавзуида маҳалла олимлари ва санъат усталарининг ижодий учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни ташкил этишдан мақсад, маҳаллада яшовчи турли миллат вакилларининг дўстона муносабатларини янада ривожлантириш ва уларни жипслаштириш эди. 6-мусиқа мактаби директори Ҳамидулла Саъдуллаев ва маҳалла оқсоқоли Раъно Файзиевалларнинг ташаббуси билан уюштирилган тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Ҳотам Файзиев, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Тошкент молия институти профессори Қумри Сафаева ва бошқалар иштирок этдилар ҳамда қизиқарли мулоқотлари билан даврага ижодий руҳият бахш этдилар.

Учрашув сўнггида Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта опера ва балет театрининг қўшиқчиси Марина Каменякова ва 6-мусиқа мактаби ўқувчилари ижросидаги қўшиқлар, жозибали рақслар кечага янада файз киритди.

(Ўз мухбиримиз)

Анъанага айланган кеча

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида атоқли адиб Ўлмас Умарбековнинг хотира кечаси бўлиб ўтди.

Кечада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири Омон Муҳтор, адибнинг оила аъзолари ва яқинлари, институт ўқитувчилари ва талабалари иштирок этишди. Ёзувчи Тоҳир Малик Ўлмас Умарбековнинг ўлмас асарлари халқимизга буюк маданият ва маънавият берганлигини, улар кишилар онгида ва юрагида абадий яшажагини тўлқинланиб гапирди.

Институт талабалари Бобур Норбоев, Марҳабо Мавлоновалар адибнинг «Ўз аризасига кўра» асаридан саҳна кўринишларини маҳорат билан ижро этдилар. Институт профессори Собир Мирвалиев Ўлмас Умарбековнинг адабий мероси тўғрисида сўзга чиқди. Шунингдек, ўқитувчи ва талабалар мумтоз қўшиқлар ижро этиб кечага янада файз киритдилар.

Кеча охирида институтнинг аълочи талабаларига ёзувчининг сўнгги чоп этилган китоблари совға тариқасида тарқатилди.

Зарнигор ИБРАГИМОВА

• МАДАНИЯТ

ЭКСПОНАТЛАРГА БОЙ МУЗЕЙ

Бундан 35 йил аввал бу музейга асос солинган эди. Шаҳримизда жойлашган мазкур адабиёт музейи Алишер Навоий номи билан аталади. Унинг экспонатлари ўзбек адабиёти тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Улуғ шоир Навоий ижодий меросига доир экспонатлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Бундан ташқари ўзбек мумтоз адабиётининг лирик намоёндалари асарлари қўлёзмалари намуналари ҳам қизиқиш билан томоша қилинмоқда.

Музейнинг «Алишер Навоий лирикаси» залида Навоийнинг «Илк девон» асари қўлёзмасининг факсимил нашри ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. Бор бўйича суратга туширилган бу қўлёзма атоқли адабиётшунос олим профессор Ҳамид Сулаймонов томонидан босмага тайёрланган эди.

Асли, мазкур девоннинг қўлёзмаси Санкт-Петербургда Салтиков-Шчедрин номли Давлат музейида сақланади. Уни машҳур ҳаттот Султон Али Машҳадий кўчирган эди.

Музейда XV-XVI асрларда кўчирилган Алишер Навоий асарлари намуналари, фотосуратлари ҳам эътиборни ўзига тортади. Улар Хуросоннинг олий сифатли ипак қоғозига битилгани билан ҳам ажралиб туради.

«Алишер Навоий» деб номланган альбом ҳам музейда совға экспонатлар қаторидан ўрин олган. Владивосток шаҳридан юборилган бу эсдалик Узоқ Шарқ денгиз кемачилигида улуғ шоир номи билан аталаётган пороход жамоаси армуғони сифатида эъзозланмоқда.

Аҳмад АББОСОВ

• ТАНЛОВ

Замонавий санъат марказида «Отахонлар, онахонлар — набиралар нигоҳида» мавзуида расмлар кўрик-танловининг якуний шаҳар босқичи ва мактабгача ҳамда мактаб ўқувчилари чизган расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Отахону онахонлар — набиралар нигоҳида

«Экосан» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ўтказилган ушбу кўрик-танловда шаҳар туманларида ўтказилган танлов босқичларида 200 дан ортиқ иқтидорли ёш рассомларнинг ишлари танлаб олинди. Саралаш босқичларида таниқли рассомлар Р.Чориев, М.Содиқов, Қ.Башаров, Р.Фарходий, Р.Бекназов ҳакамлик қилдилар.

Мазкур кўрик-танловни ўтказишдан мақсад — ёшларнинг ота-онага, кексаларимизга, она-Ватанга, кўҳна табиатга бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш ва уйғунлаштириш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, катталарнинг ўрнак бўладиган ишларидан намуналар олиш ва уларга нисбатан ҳурмат-эъзозда бўлиш, бой ҳаётий тажрибаларини ўрганиш, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизни эъзозлаш руҳида тарбиялашдан иборат.

Танлов шартлари бўйича ўқувчилар, «Тарихимиз ва миллий қадриятларимиз», «Ота-онани эъзозлаш», «Оилавий анъаналар», «Бобом, бувим, табиат ва мен», «Бобом билан яратган боғим», «Бувим ва бобом билан гўзалдир олам», «Электр энергияси ва газни тежашни бувимдан ўргандим» мавзуларини ўз ижод намуналарида ёрқин акс эттирдилар.

Ғолиб деб топилган ўқувчилар Наврўз байрами олдидан ўтказиладиган республика кўрик-танловида қатнашадилар.

Шаҳримизнинг эл назарига тушган отахон ва онахонлари ҳамда республика меҳнат фахрийлари пансионатида истиқомат қилувчи қариялар кўрик-танлов мехмони бўлдилар. Танлов ғолибларига «Экосан» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими совғалари ва шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Дилором ИКРОМОВА

• МАЪНАВИЯТ

Қизиқарли давра суҳбати

Бектемир тумани ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлими ҳамкорликларида баҳс-мунозара тарзидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мавзуида ўтказилган тадбирда инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, жамият ва одамларни ҳаракатга келтириб, уларни мақсад сари етаклайдиган миллий истиқлол ғоясининг бугунги кун кишисига қай даржада таъсир кўрсатиши хусусида сўз бориб, тадбирда иштирок этувчиларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари тингланди.

Орзугул РУСТАМОВА





Халқ банкининг Чилонзор туманига қарашли 78/82 бўлим 0262 шохобчасига ташриф буюрган аҳоли қизларнинг ширин муомаласидан бахраманд. Муҳаййё Алимова, Гулбаҳор Ражабова, Гулноза Мамарозиқовалар кексаларнинг дуосини олмоқда.

— Иш пайтида мижозларнинг навбат кутиб қолмаслигига ҳаракат қиламиз, — дейди Муҳаййё Алимова. — Шунинг учун ҳам баъзи ҳисоб-китоблар ёзувларини ишдан сўнг қолиб тартибга келтиришимизга тўғри келади. Бизни тушунган, меҳнатимизни қадрловчи отахону онахонларимизга хизмат қилишдан сира чарчамаймиз.

СУРАТЛАРДА: банкнинг иқтидорли ҳисобчиларидан Гулноза Мамарозиқова ва Гулбаҳор Ражабовалар иш устида.

«Саломатлик қадрин билмас бемор бўлмагунча», «Тани соғлиқ — туман бойлик», — дейди донишмандларимиз. Ҳақиқатан саломатлигимиз энг катта бойлигимиздир. Бугунги кунда турли хил касалликлар билан оғриган беморлар аввало шифокорга дардларига шифо излаб мурожаат қилишади. Бундай касалликлар ичида бронхиал астма хасталиги ҳам кўплаб учрайди. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, профессор Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ билан бўлган суҳбатимиз астма касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, қариндош-уруғчилик ўртасидаги никоҳдан сўнг ушбу касалликнинг вужудга келиши хусусида бўлди.

— Абдулла ака, айтингчи, бронхиал астма қандай касаллик?

— Ҳа, бу савол чиндан ҳам кўпчиликни ўйлантиради, тиббиёт ходимларини эса узоқ йиллар давомида изланишга мажбур этган масала. Бронхиал астма оғир касаллик. Бўғилиш, яъни нафас қисиши — бу дарднинг асосий аломати ҳисобланади. Чет элдаги олимлар ҳам бронхиал астманинг халқ орасида кенг тарқалганлигини айтишмоқда. Хусусан Болтиқбўйи республикаларида ҳаммадан кўп учрайди. Қора денгиз бўйи, Помир водийларида эса анча кам кузатилади.

Ўрта Осиё республикаларида, жумладан Ўзбекистонда кейинги йилларда бронхиал астманинг кўпайганлиги қайд этиляпти. Бунга турли хил аллергенлар, чанг, ташқи муҳитнинг ифлосланиши, саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндилар, урбанизация ва бошқа кўпгина омилларнинг аҳоли организмига ёмон таъсир кўрсатиши сабаб бўлмоқда.

• МУСОҲАБА

Астма касаллиги насл сурадими?

— Бронхиал астманинг келиб чиқиш сабаблари нимада? У насл сурадими?

— Бунга ҳар хил омиллар сабаб бўлади. Маълумки, барча тирик организмлар ташқи муҳитнинг турли омиллари таъсирига мослашиш қобилиятига эга, бундан ташқари, организмдаги ҳар қандай белги ирсият ва ташқи муҳитнинг ўзаро алоқадорлиги, яъни, таъсири натижаси ҳисобланади. Ирсият деганда организмларнинг турли-туман белгиларини ўз авлодларига ўтказиш қобилияти тушунилади. Бу жараён ирсиятнинг элементар бирлиги — генлар ёрдамида амалга оширилади. Генлар шу одам ҳақидаги бутун ахборотни ташийди. Сурункали касалликларнинг 90 фоиздан кўпроғи ирсий мойилликка алоқадор хасталикларга тўғри келади. Масалан, аҳоли орасида кенг тарқалган гипертония касаллиги, юракнинг ишемик касаллиги, ревматизм, қандли диабет, атеросклероз, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси ва бошқа кўпгина касалликлар насл суришга мойил бўлади.

Бронхиал астма ҳам ана шундай касалликлар — ирсий омиллар (организмдаги маълум жараёнларга жавоб берадиган генлар системаси) ва ташқи муҳит омилларининг ўзаро таъсири натижасида келиб чиқади. Лекин битта ўша касаллик учун ирсият турли одамларда ҳар хил аҳамият касб этиши мумкин. Масалан, ирсий мойиллик суст, яъни «ёмон» генлар миқдори кам бўлса ва ташқи муҳит одам организмига унча ёмон таъсир кўрсатмаса, шу одамда касалланмаслиги мумкин. «Ёмон» генлар сони кўпайганда эса ташқи муҳитнинг салбий таъсири кучайиши билан (яъни, одам чекса, ичкилик ичиб турса) касал одамлар сони кўпаяверади. Ҳар бир одамнинг ирсияти ўз ота-онасидан қанча ва қандай генларни олганига боғлиқ бўлади. Шу жиҳатдан олганда яқин қариндошларнинг куда бўлиши, яъни қиз олиб, қиз бериши яхши эмас, бу оғир асоратларга сабаб бўлиши мумкин. Мабодо қон-қариндош бўлган эрда ёки хотинда аллергик касаллик ёки бронхиал астма бўлса, улардан туғиладиган болаларда ҳам албатта шу дард қайталаши мумкин (агар юқорида айтилган ташқи муҳит таъсири бўлса).

— Бу касаллик юзасидан мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотлар нималарни кўрсатмоқда?

— Қон-қариндошига, яъни амакисининг, холасининг, аммасининг ўғлига турмушга чиққан аёлда кўпинча ҳомила она қорнида ўлиб қолади, аксари бола ўлик туғилади, туғилганидан кейин ҳам кўпинча ҳар хил касалликларга чалиниб нобуд бўлади. Бироқ, шунга қарамай, хусусан Шарқ мамлакатлари халқлари ўртасида яқин қариндош-уруғларнинг куда-анда бўлиши, яъни қиз олиб, қиз бериши ҳодисаси кўп учрайди.

— Бугунги кунда сизнинг кафедрангизда бу борада қандай ишлар олиб борилаяпти?

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтида пульмонология ва клиник аллергология кафедрасида менинг раҳбарлигимда доцент М. Якимова чорак асрдан буён шу соҳада илмий иш олиб боради. Тошкент шаҳрида бронхиал астманинг тарқалганлиги, шунингдек, бу касалликнинг ривожланиши ва кечиши, насл суриши юзасидан текширишлар ўтказилди. Кейинги беш йил ичида 300 дан ортиқ бронхиал астма билан касалланган беморлар ва уларнинг қариндош-уруғлари текширилди. Текширилувчиларнинг оиларалари да ва яқин қариндошга куда бўлганлар оиласида бронхиал астма билан касалланган беморлар кўп учрашига, касалликнинг оғир ўтишига аҳамият берилди. Олиб борилган ишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, бу касаллик 35-50 ёшлардаги аёллар орасида кўп учрар экан.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замон тиббиётининг асосий мақсади касалликларнинг олдини олишдир. Касалликка даво қилгандан кўра унинг олдини олган осон. Шу сабабли шифокорлар ҳозир фақат бронхиал астма билан оғриган беморга эмас, балки унинг оила аъзолари, ота-боболарига ҳам аҳамият бермоқда. Шифокорлар уларга касб танлаш, ташқи муҳитнинг зарарли таъсиротларидан сақланиш, организмни чиниқтирадиган муолажалар юзасидан маслаҳатлар берадилар.

Авлодида бронхиал астма касаллиги бор одам албатта касалликнинг олдини олиш мақсадида шифокордан доимий маслаҳат олиб туриши лозим. Хусусан бундай одамлар қариндошга қиз берма деган тиббиёт фани шак-шубҳасиз исботлаган сўзга амал қилмоқлари лозим. Зеро, кейинги пушаймондан фойда бўлмайди, балки бундай қудаандачилик оилани оғир мусибатларга олиб боради.

Маълумки, Европа мамлакатлари халқлари ўртасида қон-қариндошлар бир-бири билан куда-анда бўлмайди, қон-қариндошга қиз бермайди. Бинобарин, ирсий касалликлар ҳам уларда қон-қариндошлардаги каби жуда оғир ўтмайди.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.

• СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Йўтал хуруж[illegible]ганда

Қиш фаслида кўпинча томоғим оғриб кўп йўталаман. Йўтал хуруж қилаверганда табобат йўли билан қандай шифокорлардан фойдаланиш мумкин? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

М. ЗАРИПОВА, меҳнат ф[illegible]

Шамоллаш оқибатида инсон организмининг нафас йўллари яллиғланади. Бундай ҳолда ҳарорат кўтарилиши, кучли йўтал хуруж қилиши мумкин. Баъзи кишиларда йўтал узоққа чўзилади. Бундай ҳолларда халқ табобати бўйича шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш яхши наф беради.

◆ Масалан, бир чой қошиқ тоза асал ва икки ош қошиқ арпабодиён ўсимлигини чойнакка солиб, устига сув қуйиб қайнатилади ва совуғач докадан сузилади. Ушбу қайнатмадан ҳар 1-2 соатда тез-тез ичиб туриш тавсия этилади.

◆ Арпа, жавдар ва сулидан тенг миқдорда олиниб, икки дона аччиқ бодом солиб ҳовончада толқон ҳолатга келтирилади. Ушбу талқонга сут қўшиб, ярим пиёладан ичиш ҳам фойда беради.

◆ Кашнич ўсимлиги ёки ундизидан тенг миқдорда олиниб, 0,5 литр сувда 10 дақиқа қайнатилади, сўнг докадан сузиб, ярим пиёладан ичилади.

◆ Қасқонда ичи ўйиб, ундан ярим пиёладан ичиш тавсия этилади. Беҳи уруғини ишлатади. Беҳи уруғи ҳам нафи сезиларли кўп. У нафас қисишига қарши ичилганда ҳам нафи сезиларли кўп таъсир кўрсатади.

◆ Агар йўтал қуруқ бўлиб, тез-тез истеъмол қилиш турпни майдалаб тўғрагандан сўнг ҳосил бўлган суюқ қисмининг сути ҳам йўталга даво қозонга солиб устига қайнаб турган сув қўшиб, 1-2 соат секин қиздирилади. Сўнгра ярим пиёладан ичиш тавсия этилади. Шунингдек, шолғомни майда шаклида тўғраб, сувда 5-10 дақиқа қайнатиб, сувига томоқ оғриғига қарши ҳам фойда беради.

◆ Тоғ райҳон ўсимлиги таркибидаги тенг миқдорда эфир мойи, танид, каротин, 0,5 литр сувда 10 дақиқа қайнатилади, сўнг докадан сузиб, витамини ва бошқа турли моддалар бор. Тоғ райҳонни ҳам фойда беради. Бир чимдимини чойнакка солиб устига қайнаб турган сув қўшиқдан ичилади ва дамлаб қўйилади. Шундан сўнг докадан ўтказиб, кунига 3-4 беҳи ва шолғом ҳам қўшиб ичилади. У нафас қисишига қарши ва сўнгак

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзидан ўрганий доно бўлур...

● Кибр ва ғурурдан узоқ бўл. Кибр кишини эл орасида хор, беқадру беэътибор қилади.

● Донолар айтадилар:

— Қуйидаги тўрт нарса нохушликни келтириб чиқаради: худбинлик — расволикни, серғазаблик — пушаймонликни, такаббурлик — душманликни, ношукрлик — хорликни.

● Такаббурга салом берма. Саломга жавоб қайтариш оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга маллолик келтиради.

● Худбинлик инсонни заволга, камтарлик эса камолга олиб келади. Кимки худбин бўлса халқ назаридан қолади. Камтарлик эса эл орасида шараф келтиради. Эй азиз, агар инсон бўлай десанг худбин бўлма. Йўқса ўз жонингни хатарга ташлаган бўласан. Агар улуғликни хоҳласанг, камтарлик йўлини тут.

● Шайх Саъдий ҳикоя қилади:

— Боши, оёғи яланг бир камбағал киши Кўфа шаҳридан Ҳижоз карвони билан чиқиб бизга йўлдош бўлди. У киши: «Дунёликдан ҳеч бир нарса йўқлигини билдим», — дея пиёда юриб, ўйнаб кетарди. Туяга минган бир бой ҳалиги камбағалга:

— Эй қаландар, қаерга кетаётибсан, орқангга қайт. Бу саҳрода заҳмат ва машаққат чекиб ўлиб кетасан, — деди. Камбағал пиёда киши бойнинг сўзига эътибор бермай, ўз йўлида давом этди.

Нахлан Маҳмуд деган жойга етган эдик, бойнинг ажали етиб ўлди. Камбағал пиёда киши, бойнинг ёстиғи ёнига келиб айтди:

— Биз саҳрода заҳмат ва машаққатлар чекиб, пиёда йўл юриб ўлмадик, сен нортуя устида роҳатланиб, йўл боссанг ҳам ўлдинг.

Байт:

Ҳар кишининг бор эса
яхши сўзи,
Орттирар обрўсин албатта ўзи.

● Инсон ўзини бошқалардан ортиқ деб билмаслиги, ўзини ақлли, бошқаларни ақлсиз деб тасаввур қилмаслиги, ҳар қандай яхши ишни ўзига лойиқ ва ўзгаларга нолойиқ деб ҳисобламаслиги зарур. Эҳтиёт бўлгинки, булар — худбинлик аломатларидир.

● Бир доно шундай деди:

— Риёкорлик билан қилинган яхшиликдан ҳеч кимга билдирмай, хилватда қилинган гуноҳ афзал.

ҲИКОЯТ. Форс подшоҳларидан бирининг қимматбаҳо узуги бор эди. Бир куни сайр-томоша қилиш учун бир неча яқин одамлари билан сайилгоҳга чиқди. Ҳалиги қимматбаҳо узугини бир гумбазнинг устига қўндириб:

— Кимки бу узукнинг халқасидан ўқ ўтказса, узукни унга бераман, — деб ваъда берди.

Подшоҳнинг тўрт юз мергани бор эди. Улар узукка қарата ўқ уздилар, лекин бирортасининг ҳам ўқи узук халқасидан ўтмади.

Ўша тоғда бир бола ҳам том устида ўйнаб юриб, камалакдан ҳар томонга ўқ отарди. Тасодифан унинг ўқи узукнинг халқасидан ўтди. Узукни унга лойиқ кўрдилар, яна кўпгина молу дунё, инъом-эҳсон қилдилар.

Айтишларича, бола ёй камалагини куйдириб ташлади. Одамлар ундан:

— Ёй камалагини нега куйдирдинг? — деб сўраган эдилар, бола:

— Қозонган эътиборим йўқолмаслиги учун ёй камалагимни синдирдим, — деди.

Байт:

Гоҳо бўлгайки ҳикмат аҳлидан,
Чиқмагай бир дурустроқ тадбир.
Гоҳи бўлгайки беақл гўдак,
Янглишиб ургуси нишонага тийр!



Нафис санъат асарлари кўргазмалари санъатга ошно қалбларга доимо илҳом бахш этиб, янги ижод намуналарини яратишларида асосий омил бўлмоқда.

Сергей Любчич олган сурат.

Лондонда болалар расмлари кўргазмаси

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси биносида мамлакатимизнинг Лондондаги дипломатик миссияси ва Британиянинг «Great Silk Road World» нашриёти ҳомийлигида ташкил этилган «Дунё болалар нигоҳида» номли болалар расмлари кўргазмаси очилди.

Мамлакат жамоатчилиги эътиборига илк бор Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройи тасвирий санъат студияси болаларининг 70дан зиёд ижодий иши намойиш этилди.

Тадбир тақдимотида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчиси А.Файзуллаев ва «Great Silk Road World» нашриёти директори Джемс Миллер мамлакатларимиз ўртасида тобора ривожланаётган, хусусан, маданият соҳасидаги муносабатларига алоҳида тўхталдилар. Ўзбекистон болаларининг тасвирий санъат асарлари намуналари кўргазмаси бунинг ёрқин далилидир.

Эътиборли томони шундаки, ҳар бир асар чуқур мазмунга эга бўлган ҳолда, ўзида барқомоллик ва касбий маҳорат аломатларини мужассам этган.

Болалар расмлари кўргазмаси билан бир қаторда айнан шу ерда намойиш этилган маданий обидалар, қадимги меъморчилик ва ҳозирги замон меъморчилик намуналарини ўзида акс эттирган фотоэкспозиция ҳам Буюк Британия жамоатчилиги вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Мардон Якубов,
«Жаҳон» АА,
Лондон

● ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Ёш йигитларимиз мамлакатимиз сарҳадларини қўриқловчи эртанги кун ҳимоячилари ҳисобланади. Уларни жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш, иродаларини метиндек мустаҳкамлаш мақсадида, айни дамда ёшларга суянч, уларнинг оғирини енгил қилувчи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг саъй-ҳаракатлари анчайин сезиларли даражада.

Ватан олдида бурчлимиз

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза тумани бўлими вакиллари ҳам юқоридаги мақсадни амалга ошириш борасида яхши ишларни йўлга қўйди.

Тумандаги мактабларнинг 10-11-синф ўсмир йигитлари армия ҳаёти, аскарлар фаолияти, ҳарбий хизматнинг оғир ва енгил томонлари билан танишиш ниятида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг ташаббуси билан ҳарбий қисмда бўлишди.

— Бугунги ўсмир йигитлар эртага албатта ўз йигитлик бурчларини адо этиш учун ҳарбий хизматга борадилар. Ҳарбийлар ҳаёти билан яқиндан танишмаган ҳар қандай ёш йигит қайсидир маънода хизматда қийналиши мумкин. Шунинг учун уларга олдиндан сабоқ беришни ўзимизга лозим деб топдик, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси Мирзоҳид Мирахмедов.

Ҳарбий қисмда бўлган йигитларнинг бу ташрифдан кейинги таассуротларини сўраганимизда улар бир овоздан ўз она-Ватанлари олдида доимо бурчли эканликларини таъкидлаб ўтишди.

Орзугул РУСТАМОВА

● МАДАНИЯТ

Шоирнинг архив материаллари

Халқимизнинг севимли шоири Ғафур Ғулом бадиий ижодиётини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида кўрилаётган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бунда Ғафур Ғулом уй-музейи жамоасининг изланишлари ҳам самарали бўлмоқда.

Музей ходимлари қатор режаларни белгилаб олишди. Шоир таваллудининг юз йиллиги муносабати билан кўрилаётган бу саъй-ҳаракатлар унинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ архив материалларини тўплашга ҳам хизмат қилади.

Шу мақсадда шоир тушган фотосуратлар, унинг ёзишмалари тўпланмоқда. Бу изланишлар музей архивини бойитишга хизмат қилади.

Сўз санъаткори асарлари бўйича ёзувли дискетлар тайёрлашга киришилгани ҳам айни муддао бўлди. Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан шуғулланаётган мутахассислар учун яхши совға сифатида яна қатор видеоматериаллар тайёрланмоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

● ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

Сув остига бир назар

Денгиз балиқлари орасида сузишда найза тумшуқли балиқ карвонбоши ҳисобланади, унинг тезлиги соатига 80-90 километрни ташкил этади. Тумшуқ найзаси билан эса кеманинг қалин деворини уриб, тешиб қўйиши мумкин. Лекин шундай кучли зарбадан унинг ўзи ҳеч зарар топмайди. Ғалати, тўғрими? Маълум бўлишича, балиқнинг тумшуқ асоси ёғ билан тўлиқ бўлиб, бу ўзига хос гидравлик амортизатор вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, унинг умуртқа поғоналари орасидаги қалин пайсимон қатламлар ҳам зарба кучини камайтиради.

Денгиз чуқурликларида яшаётган балиқларда эса мосланишнинг ўзгача хилини кўриш мумкин. Бундай балиқлар сув бетига чиқарилса, ички аъзолари шишиб, тез орада ҳалок бўлади. Чунки, сувнинг чуқур жойида катта гидростатик босим бўлади, балиқларнинг ички аъзоларидаги босим ташқи муҳит босимига нисбатан юқори бўлиши туфайли шишиб кетади ва ички аъзолари ёрилиб ўлади.

Маълумки, мўйначиликда шуҳрат қозонган кундуз, одатда, катта анҳорлар қирғоғида, дарахт ва бутазорлар орасида яшайди. Ушбу жонивор катта дарахтларни ғажиб ҳаёт кечиради. Бу ҳолда уларнинг тиши ейилиб тўмтоқ бўлиб қолмайдими, деган савол туғилади. Гап шундаки, кундузнинг тишлари турли хил қаттиқликка эга бўлган қатламлардан иборат. У дарахтни ғажиётганда тишининг юза қатламидаги эмал қаватига кўп куч келади, бошқа юмшоқ қаватларига эса камроқ таъсир қилади, натижада тиш бир текис ейилади. Асбобларни чархлаш усули мана шу асосда рўй беради.

Сувда сузувчи баъзи қушлар, кўпинча, сувга унчалик ботмаган бўлади. Айни қушларнинг қалин патлари орасида ҳаво қатлами бўлганлиги учун ҳам сув ўтказмайди.

Айрим йирик қушлар кўпинча денгизда сузиб юрган кемаларни соатлаб эмас, 2-3 кунлаб кузатиб, тарк этмайди. Қизиғи шундаки, бундай қушлар кема билан биргаликда узоқ масофани босиб ўтса ҳам жуда кам куч сарф қилишади, чунки улар деярли қанот қоқмасдан учади. Бунда улар қайси манба ҳисобига ҳаракат қилади? Ушбу ҳодисанинг моҳиятини излаганда шу нарса аниқланадики, қушлар кемадан бир оз бўлса ҳам орқарокда учиб шамол бўлган пайтларда эса унинг йўналиш томонига ўтиб олади. Агарда ўша қушлар баъзи сабабларга кўра узоқлашиб кетса, қанотларини ишга солиб, кемага етиб олишга ҳаракат қилади.

Илмий тадқиқотлар бундай ҳодисани қуйидагича тушунтириб беради, яъни кема ўтхонасидан чиқаётган иссиқ буғлар қушларни маълум баландликда ушлаб туришга қодир экан. Бунда қушлар сув кемасига ҳамда шамол йўналишига нисбатан қулай жойни хатосиз танлаб учадилар.

Қиш кунлари қушлар бир жойда тургандан кўра, учиб кетаётиб кўпроқ совуқ қотади. Бунга сабаб шуки, парвоз қилаётган қушлар қаноти сиқилган патлари орасидаги ҳаво камайган бўлади. Натижада тез учиш оқибатида иссиқ йўқотиш шу даражага ошадики, ҳатто айрим қушлар учиб кетаётиб музлаб қулаб тушади.

Маълумки, ёмғир ёғиши олдидан қалдирғочлар пастлаб учади. Нега? Чунки ёмғир ёғиши олдидан ҳавонинг намлиги ошади ва кўпчилик ҳашаротларнинг қаноти оғирлашади, табиийки, бу ҳолатда улар баланд учолмайди. Уларни овлаш учун қалдирғочлар ҳам пастлаб учади.

Совуқ кунлари кўпчилик жониворлар бошини гавдаси орасига олиб ухлайди. Бу ҳол уларнинг гавда юзасини торайтиради ва иссиқлик чиқиб кетишини тежайди.

Чўл ва саҳроларда яшовчи калтакесак ва илонлар ёзнинг иссиқ кунларида баъзан унча катта бўлмаган дарахт ва буталар шохига чиқиб олади. Бунинг сабаби шундаки, куннинг энг иссиқ пайтларида қум шунчалик қизиб кетадики, унинг юзасидан 5 сантиметр юқорида ҳарорат бир неча даража паст бўлади. Судралиб юрувчиларнинг кўпчилик турлари эса бундай жазирама иссиқдан сақланиш учун дарахтчалар тепасига ҳамда кемирувчиларнинг инларига кириб жон сақлайдилар. Бундай жазирама кунлари судралиб юрувчилар ўз фаолиятларини эрта тонгда, яъни ҳарорат энг пасайган пайтда бошлайдилар.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

• ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР

Сополларда авлодлар сири

«Ўзбеклар, — деб ёзган эди рус элшуноси Н.П. Остроумов, — тенги йўқ уста наққошлардир: улар нозик ва гўзал нақш ишлайдилар, фақат ёғочга эмас, шунингдек мармартошга, металлга нозик ва гўзал нақш солишлари, газламага ранг-баранг гуллар, геометрик шакллар туширишларига қараб, уларнинг моҳирлигига қойил қоласан».

Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент каби қадимий шаҳарлардаги тарихий обидалар халқ санъатининг ажойиб мўъжизаларини кўп асрлардан бери намойиш этиб турибди. Булар инсон меҳнатининг нодир тантанасидир. Бадиий кулолчилик ҳам ана шу санъатнинг бир қисми бўлиб, халқимизнинг қадимий ҳунармандчилик турларидандир.

Бадиий кулолчиликнинг қадимий марказларидан бири Тошкент ҳисобланади.Қадимшунос олимларимиз Кўкалдош мадрасаси ва Шайхонтоҳур даҳасида археологик қазишлар жараёнида тошкентлик кулоллар тайёрлаган маҳсулотлардан кўплаб намуналар топганлар. Турли рангда сир берилган бу топилма лаганлар, товоқлар ва кўзачаларнинг шакллари ихчам ишланганлиги ва бўёқларининг тиниқлиги ҳамда ранг-баранглиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Кўкалдош мадрасаси яқинида XVI аср кулолчилик маҳаллаларининг маълум бир қисми топилган, ундаги устахона ва хумдон айниқса диққатга сазовордир.

Археологик топилмаларга қараганда бу ерда сирли сополи идишлардан ташқари йирик меъморий бинолар учун турли рангдаги кошин ва парчинлар пиширилган. Бу ерда тайёрланган парчин ва кошинлар ўзининг рангдорлиги, нақши ва сифати жиҳатидан Самарқанд ва Бухоро кошинпазларининг маҳсулотидан қолишмаган. Шунингдек тошкентлик кулоллар хилма-хил турдаги ва ҳажмдаги идиш-товоқлар ишлаб чиқаришдан ташқари, қувурлар ва чиғириқ учун кўзачалар, тандирлар ва бошқа рўзғорбоп буюмларни кўплаб тайёрлаганликларини археологик олимларимиз аниқладилар. Шундай қилиб, кулолчилик иши ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг энг ривожланган ва муҳим тармоқларидан бирига айланган.

Тарихий архив маълумотларига кўра 1876 йилда Тошкент шаҳрининг турли жойларида 56 та кулолчилик корхоналари фаолият кўрсатган. Булардан ташқари Кўкча ва Бешёғоч даҳаларида бир қанча тандирсозлик устахоналари ҳам бўлган. Бу тандирсозлик корхоналарида тайёрланган турли ҳажмдаги сифатли тандирларга шаҳар ичи ва унинг атрофларида талаб катта бўлиб, бозори чаққон бўлган.

Туркистон ҳунармандчилик Комитетининг котиби профессор В.Разводовскийнинг кузатишлари ҳамда тўпланган маълумотларига кўра, 1915-1916 йилларда ўлка ҳунармандчилиги ишлаб чиқаришида 300 минг киши кулолчилик ҳунари билан шуғулланиб, йилига 13 миллион дона турли ҳажмдаги сопол буюмлар тайёрлаганлар. Тошкентда эса юздан ортиқ кулол йилига 50-60 минг донагача сопол идиш буюмлари тайёрлаган. Бу кулоллар чин маъноси билан етук санъаткор усталар бўлиб, улар ясаган сопол идишлар ниҳоятда нозик ва енгиллиги, гулларининг чиройли қилиб ишланганлиги билан диққатга сазовордир. Шунингдек, тошкентлик сопол буюмлар тайёрловчи усталарининг буюмлари ўзининг жимжимадорлиги, суратларининг жиддийлиги, рангининг тозалиги ва бўёқларининг тиниқлиги, шаклининг бежирим ва пишиқлиги билан ўтган асрлардан бери бутун оламга донг таратиб келган.

Шаҳримизнинг Кўкча даҳасидаги Обиназир ва Оқлон маҳаллаларида ҳам кулолчилик асрлар давомида юксак даражада ривожланганлиги тарихий манбаларда ёзилган. XIX асрнинг 70 йилларида Обиназир маҳалласида бешта кулолчилик корхонасида юзлаб товоқ, лаган, коса, пиёла, кўза, хум, обдаста ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ҳамда қувурлар тайёрланган ва буларнинг харидори кўп бўлган. Сопол буюмлар тайёрлашда асосий хом ашё, яъни соз тупроқ Салор ариғи бўйидан ҳамда Қорақамиш атрофидан олиб келинган. Тайёр бўлган сопол буюмлар шу ерда қурилган хумдонларда бир йўла 500-600 донадан қўйилиб, сифатли қилиб пиширилган.

Хумдонларда асосан янтоқ, чигит, қамиш, дарахт шохлари ва айрим ҳолларда ўрик дарахти ўтини ёқилган. Кўкчалик кулоллар йилнинг 9 ойида самарали ишлаб, қишда дам олганлар. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Кўкчада устасодалар авлодидан етишиб чиққан истеъдодли сопол буюмлар ишлаб чиқариш устаси Муҳаммаджон Миралиев узоқ йиллар самарали фаолият қўрсатиб келди. Бу қўли гул сополсоз устанинг ота-боболари ҳам ўз даврининг моҳир кулоллари бўлганлар. Улар тайёрлаган сопол буюмларга талаб фақат шаҳар ичида эмас, шу билан бирга унинг ташқарисида ҳам кўп бўлган. Обиназир маҳалласидаги кулолчилик устахонасида Муҳаммаджон Миралиев бошлиқ 4 киши ака-укалар оилавий меҳнат қилганлар. Муҳаммаджон Миралиевнинг укаси (кейинчалик машҳур кулол Тўроб Миралиев) ҳам улар билан ёнма-ён туриб ишлаган.



Ўзбек халқ амалий санъати қадимий тарихга эга. Ота-боболаримиз кулолчилик, ўймакорлик, наққошлик, заргарлик, зардўзлик, гиламдўзлик ва тўқувчилик ҳунарларида катта маҳорат кўрсатганлар.

Авлоддан авлодга ўтиб келадиган халқ анъаналари катта бадиий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнаган. Ҳунарманд ўз иш тажрибасини ва иш усулларни ўғиллари ва яқин қариндош-уруғларига ўргатиб, уни наслдан наслга қолдирган.

Тошкентлик машҳур уста Тўроб Миралиев ота касби кулолчилик санъатини эъзозлаган ва уни янги шакл ва мазмун билан янада ривожлантирганлардан биридир.

Тўроб Миралиев сопол буюмлар ясашда ва унга бадиий безак беришда тенги йўқ санъаткор ҳисобланган. Тўроб Миралиев бундан129 йил илгари — 1874 йилда Тошкентнинг Кўкча даҳаси Обиназир маҳалласида ҳунарманд кулол оиласида туғилди. Унинг ота-боболари ва акаси ҳам ўз даврининг йирик ва истеъдодли санъаткори бўлганлар.

Тўроб Миралиев дастлаб Тошкентда биринчи ташкил этилган «Жонона» кулолчилик артелида катта уста бўлиб ишлайди. Ўзбекистон халқ хўжалиги музейининг қурилишида ташкил этилган кошинкорлик тажриба лабораториясида ҳам самарали меҳнат қилди.

Тўроб Миралиев ўз ижодий асарларида халқ меъморчилигининг энг яхши анъаналаридан фойдаланиб, уни янги шакл ва мазмун билан бойитиб борди. Уста Миралиев асосан тоғора, товоқ, хум, ҳурмача, обдаста каби сопол буюмларни ясаб, унга сайқал берар эди.

Устанинг ижод намуналари республика ва бошқа марказий шаҳар кўргазмаларида бир неча бор намойиш қилинган, юксак баҳоланган. Тўроб Миралиев 1937 йилда Парижда ташкил этилган жаҳон кўргазмасида лаган, тўйтавоқ, коса, кўза, гулдон сингари ижод намуналари билан фаол қатнашиб, кўргазманинг кумуш нишони ва дипломи билан тақдирланди. Унинг акаси машҳур кулол Муҳаммаджон Миралиев эса 1923 йили Москвада очилган Бутун Россия ҳунармандчилик кўргазмасида сопол буюмлари билан фаол қатнашиб, фахрий ёрлиқ ва диплом билан тақдирланган.

Устазодалар оиласидан етишиб чиққан истеъдодли санъаткор Тўроб Миралиев республикада халқ амалий санъатини, хусусан, кулолчиликни ривожлантиришга ҳамда малакали шогирдлар етиштиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ҳукуматининг фахрий ёрлиқлари, нишонлари билан бир неча бор тақдирланди.

Ўз касбининг етук билимдони уста Тўроб Миралиев 1952 йилда 78 ёшида вафот этди. Бизда асрлар оша расм бўлиб келаётган бир анъана бор. Отанинг касб-кори, ҳунарини албатта фарзанди давом эттиради. Ота яхши ният билан ўзининг ҳунар сирларини фарзандига ўргатиб кетади. Таниқли уста Миркамол Туробов ҳам ота изидан бориб, кўп йиллар самарали ижод этган санъаткордир. У дастлаб отаси билан ёнма-ён туриб меҳнат қилган бўлса, кейинчалик кулолчилик санъатини янада пухтароқ ўрганиш мақсадида 1935 йили Тошкентда ташкил этилган бадиий ишлаб чиқариш комбинатининг кулолчилик бўлимига ўқишга кирди. Ўша йиллари бу бўлимга унинг отаси Тўроб Миралиев раҳбарлик қилар эди. Бу ерда Миркамол кулолчилик технологиясини ўрганиб, ўзини наққошлик, яъни сопол буюмларга гул солиш ва унга бадиий сайқал бериш соҳасида кўрсатди. Комбинатда ўқишни муваффақиятли томомлаганидан кейин, 1938-1939 йилларда Тошкентдаги Кулолчилик илмий текшириш институти лабораториясида бир гуруҳ олимлар билан бирга чинни саноатида маҳаллий тупроқдан фойдаланиш устида тажрибалар олиб борди. Иш жараёнида технологик жараённи пухта ўзлаштиргани ва орнамент нақшлар тузилишини яхши билганлиги учун ёш ва изланувчан уста Миркамол Туробов аввалига «Қизил Кулол» артелининг кейинчалик Баранов номли артелнинг бадиий раҳбари лавозимигача кўтарилди. Устанинг ижоди айни ривож топаётган бир вақтда уруш бошланди. 1942 йилнинг бошида Миркамол кўплар қатори фронтга жўнади. Урушдан сўнг Миркамол ака севимли касбини давом эттирди. У яратган сопол идишларининг содда ва нафис ишланганлиги, унинг жимжимадорлиги, рангининг тозалиги, шаклининг бежирим ва пишиқлиги кўзингизни яшнатади. Уста кўп йиллик ижодий изланишлари давомида шунча кўп лаган, товоқ ва косаларга гул солдики, уларни санаб адо этиш қийин. Уста Миркамолнинг самарали ижодида нафис сопол идишлар, сервиз (лаган, чойнак, коса, пиёла, қандон, ширинликлар солинадиган) катта ўрин эгаллайди. Кулолчилик ҳунарининг билимдони Миркамол аканинг ижодий намуналаридан йигирматаси Республика миқёсида тан олиниб, унга ихтирочи гувоҳномаси берилди. Устанинг ижод намуналари 1953-1955 йилларда Афғонистон, Эрон, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Бельгия, Канада, Япония кўргазмаларида ҳам ўз баҳосини олган. 1957 йилда Брюссельда очилган жаҳон кўргазмасида гулдон, лаган, коса ва бошқа бир қанча сувенирлари билан фаол қатнашиб, кўргазманинг диплом ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди. Миркамол Туробовнинг жаҳон ёшлари ва талабаларининг VI фестивалига бағишлаб ишланган сопол буюмлари унинг кулолчилик соҳасида юксак маҳоратга эга эканлигини намойиш қилди. 1967 йилда Канаданинг Монреаль шаҳрида ташкил этилган жаҳон кўргазмасида совғабоп буюмлари учун фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Польша ва Германияда очилган кўргазмада ҳам унинг асарлари энг яхши экспонатлар қаторида тилга олинди ва диплом билан мукофотланди. Бундан ташқари уста ижод қилган сопол буюмларнинг айримларини Санкт-Петербург Эрмитажи, Лондон, Париж, Япония ва Ҳиндистон сингари ғарб ва шарқ марказий музейларининг залларида ҳам учратиш мумкин. Миркамол Туробов кулолчилик соҳасида тинмай изланишлар олиб бориш билан бирга, Риштон, Хива, Самарқанд, Китоб, Шаҳрисабз, Термиз, Жиззах ва Тошкент шаҳарларида кулолчилик корхоналарини қуриб ишга туширишда ҳам фидойилик кўрсатиб келди. Шунингдек, миллий кулолчилигимизнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган шогирдлар тайёрлади. Устанинг шогирдлари бугунги кунда Тошкент кулолчилик корхонаси цехлари, вилоят маҳаллий саноат комбинати, Фарғона, Риштон, Китоб, Хива, Бухорода самарали меҳнат қилишмоқда. «Ўзбекистон халқ рассоми», Тошкент кулолчилик мактабининг энг кекса вакили, — қадрли устамиз саксон ёшдан ошдилар. Уста Миркамол Туробов саксон ёшгача ота касб кулолчилик билан шуғулланиб келди. — Агар имкони бўлиб, ишлаб турган ИМПО «ТАРХ» цехи ёпилмаганда эди, мен янги-янги сопол буюмлар яратиб, халқимизга хизмат қилар эдим, — дейди уста Миркамол Туробов.

Бугунги кунда авлодлар касбини, ота ҳунарини фарзандлари давом эттириб келмоқдалар. Жумладан, 1955 йилда туғилган Мирфаёз Туробов кулолчилик сирларини отасидан ўрганган, кейин Тошкент Политехника институти (Ҳозирги Тошкент Давлат техника университети)нинг керамика корхонасида ишлади. Тошкентга қайтиб, хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш фабрикасида бош рассом, технолог бўлиб хизмат қилди. Ҳозир мустақил ижод қилиб келмоқда. Асосий ишлари коса, пиёла, ликобча, лаган каби рўзғорбоп чинни буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. 1951 йилда туғилган Мирали Туробов ҳам шу соҳа бўйича бўш вақтларида шуғулланади.

У география фанлари доктори, Геология ва минерал хом ашё институтида хизмат қилмоқда.

Бахтишод, Дилшод, Мирҳабиб, Мирзиёд, Музаффар, Хуршид каби набиралари ҳам уста Миркамол Туробовнинг умидли шогирдлари ҳисобланади. Улар Миралиевлар сулоласининг еттинчи авлодидир.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ,
санъатшунос.

СУРАТДА: уста Камол Туробов шогирдлари даврасида

Спорт

Хабарингиз борми?

Футбол бўйича БААда ёшлар ўртасида 25 мартдан 16 апрелгача давом этадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон терма жамоасининг «В» гуруҳида Аргентина, Испания, Мали терма жамоаларига қарши тўп суришлари ҳақида хабар бергандик. Қуйида эътиборингизга «В» гуруҳидаги ўйинлар жадвалини ҳавола қиламиз.

26 март
Ўзбекистон — Мали
Аргентина — Испания
29 март
Испания — Мали
Ўзбекистон — Аргентина
1 апрель
Ўзбекистон — Испания
Аргентина — Мали

Кучлилар сараланмоқда

Келажагимиз ворислари — ёшларимизни жисмонан бақувват қилиб вояга етказиш мақсадида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг учинчи босқичига Сурхондарё вилоятида старт берилди. Спортнинг 14 тури, хусусан стол тенниси, баскетбол, волейбол бўйича мусобақалар муросасиз кечди. Умумжамоа ҳисобида Денов педагогика коллежи жамоаси ғолибликни қўлга киритган бўлса, иккинчи ўринни Термиз қишлоқ хўжалиги коллежи жамоаси эгаллади.

Ташаббус сўнмасин

Ёшларни маънан етук, жисмонан баркамол қилиб тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс.

«Олимпия шон-шуҳрати» музейида Республика кикбоксинг федерацияси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда маҳаллаларда спортнинг кикбоксинг турини ривожлантириш, болажонлар ўртасида мусобақалар уюштириш, тўгараклар ташкил этишда ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди.

Вазифалар белгилаб олинди

Мамлакатимизда болалар спорти жамғармаси ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо айни кунларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида мазкур жамғарма бўлимларини ташкил этиш борасида қизғин фаолият олиб борилаётгани қувонарли ҳол.

Тошкент вилоят ҳокимлигида уюштирилган йиғилиш ҳам юқоридаги масалага бағишланди. Ушбу тадбирда иштирок этган шаҳарлар, туманлар ҳокимлари, вилоят спорти мутасаддилари, корхона-ташкилотлар раҳбарлари болалар спортини ривожлантириш борасида жамғарма олдида турган вазифалар ҳамда келгуси режаларни муҳокама этишди. Муҳими, йиғилиш сўнггида қатнашчилар вилоятдаги спорт иншоотларини таъмирлаш ва уларни спорт анжомлари билан таъминлаш зарур эканлигини таъкидлашди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

• ФАЛАКИЁТ СИРЛАРИ

Ҳаракат ва ривожланиш давом этади

XIX асрда немис олими Кюстнер Берлин расадхонасининг кенгламаси, яъни Ернинг шимолий қутбгача бўлган масофаси маълум даражада ортиб-камайиб турганини аниқлади. Бу кашфиёт нечоғлик тўғрилигини билиш мақсадида халқаро келишувга биноан, Ер куррасининг 39,8 шимолий кенгламаси бўйлаб олтита кичик расадхона ташкил қилинган. Уларнинг ягона мақсади об-ҳаво очиқ бўлган ҳар кунда мазкур расадхонанинг кенгламасини такрор-такрор аниқлаш эди.

Бундай расадхоналардан бири Ўзбекистоннинг Китоб шаҳрида бунёд этилди. Бундай илмий тадқиқотлар натижаси кутилгандан ҳам ўтиб тушди. Кузатувлар натижасига кўра, бир расадхона шимолий қутбга яқинлашганда, Ер куррасининг қарама-қарши тарафидаги расадхона шимолий қутбдан шунчага узоқлашган ва, аксинча бўлиши аниқланди. Оқибатда чиқарилган хулосага кўра Ер қутблари, чунончи шимолий қутб доимий равишда ўз ўрнини ўзгартириб турар экан. Қутблар спираль чизиқ асосида, соат мили йўналишига қарши йўналишда ҳаракатланади. Лекин қутб ўзининг ўртача ўрнидан 5 метрдан ошиқ узоқлашмайди. Бу ҳодисанинг асосий сабабларидан бири — Ер атмосфераси, ҳаво массасининг фасл сари қайта тақсимланиши оқибатида сув массасининг қор ва муз тарзида ернинг бир ярим шаридан иккинчисига ўтиши ва бошқалардир. Яъни, қишда муз ҳосил бўлиб, ёзда эриши сабаб бўлади.

Денгиз ва океанлар қирғоқларида сувнинг кун давомида кўтарилиб ва пасайиб туришини кузатиш мумкин. Сув кўтарилгандан кейин 6 соат ўтгач пасаяди. Пасайгандан кейин яна 6 соат ўтгач кўтарилади. Икки кўтарилиш орасидаги вақт — 12 соату 25 дақиқа. Ўрта ҳисоб билан 24 соату 50 дақиқада сув икки марта кўтарилиб, икки марта пасаяди. Қадим замонлардаёқ одамлар бу ҳодисани Ой билан боғлаганлар. Исаак Ньютон, ҳақиқатан ҳам Ойнинг тортишиш кучи таъсирида бу ҳодиса Ер куррасида рўй беришини исботлади. Ўз навбатида, Қуёшнинг тортишиш кучи Ойнинг айнан таъсирига қараганда 2.2 баравар камроқ. Ой Қуёш тортишиш кучлари натижасида очиқ океанларда сув сатҳи 1 метргача, чунончи, Канада қирғоқларининг айрим жойларида ҳатто 18 метргача кўтарилади.

Ер курраси тузилиши жиҳатидан ядро, мантия ва литосферадан иборат. Авваламбор, Ер курраси суюқ!!! Бу ибора қанчалик ғайритабиий туюлмасин, биз бевосита сезмасакда, у оқади. Унинг оқиш тезлиги йилига бир неча сантиметрни ташкил қилади ва 0,5 миллиард йил ичида Ер куррасининг диаметрига тенг масофани босиб ўтади. Бу даврда ер сирти анча ўзгаради. Шунинг учун ҳам ерда энг қадимги жинсларни топиш амримаҳол. Биздаги «Ер — қаттиқ» тушунчаси ер жуда юпқа — 20-40 километрли пўсти — Ер қобиғининг ҳақиқий қаттиқлигига асосланган. Ўн минг йил аввал иқлимнинг исиши туфайли ҳозирги вақтда Антарктида ва Гренландияни қоплагандек, Шимолий Европа ва Канадани қоплаган икки километр қалинликдаги улкан муз қатлами эрий бошлаган. Бундай катта оғирликдан халос бўлган Ер қобиғи кўтарила бошлаган. Скандинавия ва Американинг шимолида бундай кўтарилиш йилига бир неча километр тезлик билан ҳозир ҳам давом этмоқда. Ер марказ томон ҳарорат орта бориши натижасида жинслар юмшоқлашади ва айни паллада оқиш жараёни рўй бериши мумкин.

«Вегенер ғояси» фаразига кўра, қачонлардир барча қитъалар бир бўлган. Кейинчалик улар ажраб кетган ва бу ажралиш ҳамон давом этмоқда.

Ер қобиғи остида 40 километрдан 2920 километргача бўлган чуқурликда ҳарорати 4,5 минг даражага кўтариладиган мантия қатлами мавжуд. Унинг остида Ернинг 3450 километр радиусли суюқ ядроси бор. Ниҳоят, бу қатлам остида 1250 километр радиусли қаттиқ ядро жойлашган. Ер қобиғи — литосфера, яъни тош қобиқ бир-бирига нисбатан аста силжийдиган алоҳида бўлаклардан иборат. Илмий тадқиқотларга кўра ҳозир 6 та бўлак мавжуд. Булар — Америка, Африка, Евроосиё, Ҳинд-Австралия, Тинч океани, Антарктида. Африка ва Ҳинд-Австралия шимол томонга, Евроосиё жануби — шарққа, Тинч океани ғарбга ва Антарктида жануб йўналишларида ҳаракатланмоқда. Бу жараёнлар натижасида, жумладан, Ҳимолай тоғи янада баландламоқда. Алоҳида бўлаклар юзлаб, минглаб километрларга силжийди. Лекин аслида бу жараён жуда секин — миллион йиллар давомида содир бўлади. Ер пўстининг бундай тектоник ҳаракатлари натижасида айрим қитъалар, бир неча ёки ўнлаб квадрат километр келадиган майдонлар кўтарилиши ва пасайиши мумкин. Ҳозир Исландия, Шпицберген, Гренландия ороллари, Шотландия, Кичик Осиё соҳиллари ва Қора, Каспий денгизининг соҳиллари бундай ҳароратлар натижасида кўтарилган. Африканинг шимолий соҳиллари, Ғарбий Европанинг шимолий соҳиллари аста-секин чўкмоқда. Гўё қўзғалмас бўлиб кўринган қаттиқ Ер доимий ҳаракат ҳолатида. Унда тўхтовсиз ҳаракат, ривожланиш, ҳаёт давом этади. Ҳаракатнинг муттасил ўзгариши, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот олами таъсирида оёқларимиз остидаги замин доимий ҳаракатда. Баъзида бу ҳаракатни ўлчаш ҳам мумкин. 1899 йили америкалик тадқиқотчи В. М. Дэвис ўзининг даврийлик назариясини эълон қилди. Унга кўра Ер устки тузилиши ўз тараққиёти давомида ёшлик, етуклик ва кексалик босқичларидан ўтишини қайд қилади. Нотинч замин табиий таъсирлар ва инсон фаолияти натижасида доимий ҳаракатда.

Саййид Бахром АЗИЗОВ
фалакшунос

2003 йил 15 февралдан | «Ўздавцирк» республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки | 2003 йил 15 февралдан

ЕВРО ЦИРК

ЕВРО ЦИРК СУПЕР-ШОУ
дастурини намойиш этади.
Унда:
Ҳаво гимнастлари
Кучуклар марафони
Юмалоқ доирадаги эквилибрист
Айиқлар дискотекаси
«Лотос» балет гуруҳи
йигитлардек жасур маймунлар
Афсунгар ва сеҳргар одамхўр
бўғма илонлар
«СЭМ» масхарабозлар гуруҳи
Бенгал йўлбарси
шунингдек:
Валентин Дикул
машҳур мактабининг битирувчиси

Томошалар: жума кунлари — 18.00 да; шанба ва якшанба кунлари — 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.
Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9 дан ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-94.

• ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР

Иштаҳа уйғотувчи неъмат

Ҳиссопнинг хушбўй барглари ҳамда янги мурғак новдаларини зиравор ўсимлик сифатида ҳар ҳил таомларга ишлатиш мумкин.

Ҳиссопнинг таркибида шифобахш хусусиятга эга бўлган 1 фоизга яқин эфир мойлари, 0,9фоиз гесперидин (флавон), танин, қатрон, қанд, оқсил моддалари, микроэлементлар, дармондорилар мавжуд.

Ҳиссоп Шарқ табобатида кенг кўламда ишлатилиб келинаётган ўсимлик намуналаридан ҳисобланади. Халқ табобатида қуритилган ҳиссоп барглари қайнатма сифатида оғриқли йўтални қолдирувчи ҳамда балғам кўчирувчи омил сифатида тавсия этилади.

Машҳур арман табиби Амирдавлатнинг ёзишига қараганда, ҳиссоп бронхиал астмани даволашда энг яхши даво бўлиб хизмат қилар экан.

Абу Али ибн Синонинг ёзишича, ҳиссопнинг сирка билан қайнатмаси кўз оғриғини босади. Пояси билан олинган қуруқ ҳиссопнинг анжир билан қайнатмаси қаттиқ шишларга, астмага фойда қилади, оғизни чайқалса бодомча безлар яллиғланишининг олдини олади.

Ҳиссоп гижжа ҳайдаш хусусиятига ҳам эга. Ҳиссопга ёввойи зира ва гулсафсар илдизи аралаштириб ишлатилса гижжа туширади.

Ҳиссоп азалдан иштаҳа уйғотувчи неъмат сифатида қадрланади. Ўсимлик асосида тайёрланган дамлама илиқ ҳолда ичилса, балғамни енгил кўчириб, овозни равон қилади.Бронхит, бронхиал астмага енгиллик бериб,томоқдаги яллиғланишларга барҳам беради.

Ҳиссоп сийдик ҳайдовчи беозор омилардан ҳисобланиши билан бирга, тошқи даво сифатида ишлатилса, жароҳатларни тез эт олишига ёрдам беради.

Тиббиётда ҳиссоп сурункали бронхит касаллигида, ичак катарида, йўталда, кўтерлашда ва антисептик восита сифатида фойданилади.

Ҳиссоп Ғарб мамлакатлари ва АҚШда бод, радикулит, астма, меъда йўли касалликларида ҳамда истисқони даволашда қўлланади.

Болгар халқ тиббиётида ҳиссоп ҳазм қилишнинг бузилишида, қабзиятда, ревматизм, камқонлик (анемия), ҳорғинликда, гижжа ҳайдашда кенг ишлатилади. Ҳиссоп асосида таёрланган дамлама компресс сифатида шамоллаганида қўлланилади.

Баъзи маълумотларга қараганда, ҳиссоп сариқ касаллигини даволашда ҳам фойдаланилади.

Уй шароитида ҳиссоп ўсимлигидан дамламани қуйидагича тайёрлаш мумкин. Икки чой қошиқ миқдоридаги ҳиссоп ўтига 400 грамм қайноқ сув солиб паст оловда 15 дақиқа тутиб турилади, сўнгра чойнакка қуйиб бирор мато билан ўраб қўйилади. Шу миқдор бемор нормаси бўлиб бир кунга мўлжалланган.

Ҳиссопнинг баргларини ҳамда мурғак новдаларини зиравор ўсимлик сифатида ҳар хил таомларга қўшиш мумкин. Уни сардакларга, шунингдек салатларга қўшилса, ниҳоятда табиатли ва татимли бўлади.

Газетамизнинг навбатдаги сони 13 февралда чиқади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 7587 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-108. Топширилди 18.40 1 2 3 4 5 6